

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА - МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 330.322 (5715)

Расулев Дилмурод Мирзааҳмедович

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ
БОСҚИЧИДА ИНВЕСТИЦИЯНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ
ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ
(БАНКЛАР ИНВЕСТИЦИЯСИ МИСОЛИДА)

Ихтисослик: 08.00.06 – Эконометрика ва иқтисодиётда
математик усуллар

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш
учун диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Т о ш к е н т – 2 0 0 3

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ва Ўзбекистон Республикаси Банклар ассоциациясида бажарилган.

Расмий ошпонентлар: иқтисод фанлари доктори,
профессор Беркинов Бозорбой;
иқтисод фанлари доктори,
профессор Сафарова Қумри Сафаровна;
иқтисод фанлари доктори,
профессор Убайдуллаев Ригнат
Асадуллаевич.

Ётақчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт
вазирлиги қошидаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази.

Ҳимоя Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун
диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 - Иختисослашган
Кенгашининг 2003 йил «27» январ 9⁰⁰ да ўтадиган
мажлисида бўлади.

Манзилгоҳ: 700063, Тошкент ш., Ўзбекистон кўчаси, 49 уй.

Диссертация билан университет кутубхонасида танишни
мумкин.

Автореферат 2003 йил «26» ноябр да тарқатилди.

Иختисослашган кенгаш

илмий котиби, и.ф.д., профессор Ш.Қосимова

Илмий ишнинг умумий тавсифи

Кириш. Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилгандан кейинги қисқа давр ичида амалга оширилган туб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар натижасида миллий иқтисодиёт ривожига салбий ҳолатларни бартараф этиш, барқарорликни таъминлаш ва муттасил иқтисодий ўсишга эришишга муваффақ бўлиди. Бу ижобий сиёсий яхлит олинган миллий иқтисодиёт ва унинг асосий етакчи тармоқларига тааллуқлидир.

Шу билан бир вақтда аҳоли соғини муттасил ўсиб бориши ва ҳар бир жамият аъзоси эҳтиёжларининг ошиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичидаги иқтисодий ўсиш суръатлари ҳали талабга тўла жавоб берадиган даражада эмаслиги намоён бўлади. Бундан ташқари, республикада эришилган иқтисодий ўсишга катта капитал сарф қилиш эвазига эришилмоқда. Республикамиз Президенти И.Каримовнинг бу долзарб масала юзасидан билдирган қўйидаги фикрлари жуда ўришлидир: «Иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳақида гапирганда, мен эътиборингизни муҳим бир масалага жалб этмоқчиман. Албатта, тез суръатлар билан ривожланиш катта аҳамиятга эга эканини ва бунинг фойдасини ҳеч ким инкор қилолмайди. Лекин барчамизга аён бўлиши керакки, ҳар қандай ўсиш кўрсаткичлари номигагина эмас, аввало, бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривож учун хизмат қилиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим.»¹

Ислохотлар чуқурлаштирилаётган ҳозирги босқичда молиявий институтларнинг республикада ишбатаи анча яхши ривожланган номоянадалари бўлиши банкларнинг иқтисодиётни инвестициялашдаги роли сезиларли даражада ортмоқда. «Аслини олганда банк тизими иқтисодий ислохотлар ўтказишда ўзига хос «локомотив» ролини ўйнаши, барча хўжалик юритувчи субъектларни ўз ишларини фаол равишда қайта қуриш, бозор механизмларини қатъий эгаллашга ундовчи институт бўлиши лозим,»² - дея таъкидлаган эди Президентимиз И.А.Каримов. Худди шунинг учун ҳам иқтисодиётни молиялашда инвестициялар таркибий тузилиши ва унинг ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини, инвестиция объектларини танлашда молиялаштириш самарадорлигини аниқлаш (баҳолаш) ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда банк инвестициялари истиқболини аниқлаш зарурдир.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар танланган иш мавзусининг долзарблиги, унинг тадқиқот услуби, ишнинг таркибий тузилиши ва мазмунини баён этиш тартибини белгилаб берди.

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. «Халқ сўзи», 2001 йил, 17 феврал.

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. 281 б.

Ишнинг асосий мақсади - ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида иқтисодий молиялаштиришнинг республикадаги мавжуд манбалари потенциали, хусусан, банк инвестициялари имкониятларини аниқлаш ва эконометрлик моделлаштириш асосида миллий иқтисодий молиялаштиришнинг устивор йўналишларини прогноз қилишдир.

Ушбу мақсадга мувофиқ диссертацияда қуйидаги масалалар ҳал этилди:

– Ўзбекистонда банк тизими ривожланишини таҳлил қилиш ва иқтисодий инвестициялаш имкониятларини аниқлаш;

– иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида инвестициялашнинг роли ва таркибини аниқлаш;

– банк инвестициялари шакллари, самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

– банк инвестицияларига бўлган талаб ва таклиф тенденцияси ва нисбатини тадқиқ қилиш;

– инвестиция объектини молиялаштириш лойиҳаси самарадорлигини баҳолаш, таваккалчилик ва ноаниқлик омилларини ҳисобга олиш услубини ишлаб чиқиш;

– инвестициялашнинг прогноз қилиш усулини танлаш ва интервал прогноз қилиш комплекс усулини ишлаб чиқиш;

– инвестициялашнинг эконометрлик моделини ишлаб чиқиш ва прогноз қилиш;

– банк инвестициясининг оптимал таркибини аниқлаш моделини яратиш;

– банк инвестициясини ҳудудлар бўйича таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертациянинг энг муҳим илмий янгилиги шундан иборатки, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида инвестицияни молиялаштириш манбалари, айниқса, банк кредитларидан самарали фойдаланиш имкониятлари биринчи марта эконометрлик моделлаштириш орқали комплекс тадқиқ қилинди. Бундан ташқари ушбу тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий янгиликларга эришилди:

– чет эл ва республика банк тизимининг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилиш асосида банк кредитларининг инвестицияни молиялаштиришдаги самарадорлиги асослаб берилган ва унинг истиқболлари прогноз қилинган;

– инвестициялашда банк кредитлари самарадорлигини ошириш услубини ишлаб чиқилган, яъни: талаб ва таклифини аниқлаш; инвестиция объектини танлаш; таваккалчилик ва ноаниқликларни ҳисобга олиш; банк кредитларининг оптимал таркибини аниқлаш комплекс услуби яратилган;

– инвестицияни молиялаштириш истиқболларини прогноз қилиш ва интервалли прогноз қилишнинг комплекс статистик усули ишлаб чиқилган;

– инвестиция манбаларини мамлакат яли ички маҳсулотига таъсирини фойдаловчи эконометрик моделлар яратилган;

– банк кредитларининг инвестицияни молиялаштиришдаги истиқболлари, кредитлаш таркибининг аниқлашнинг статистик ва оптималлаштириш моделлари яратилган.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти шундаки, унда миллий иқтисодиётни молиялаштиришнинг самарали йўналишларини аниқлаш услубиёти ишлаб чиқилган. Шу сабабли мазкур ишда таклиф қилинган усуллардан миллий иқтисодиётни инвестициялашнинг оптимал таркибининг аниқлашда кенг фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари тадқиқот натижалари қуйидаги ҳолларда ҳам қўлланиш мумкин:

– миллий иқтисодиётни инвестициялашда банк кредитларидан фойдаланишнинг самарали йўналишларини прогноз қилишда;

– иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда;

– олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба ва тингловчиларига инвестициялаш самарадорлигини таъминлашга оид мавзулар бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмалари тузишда.

Натижаларнинг таъдир этилиши. Тадқиқот натижалари иқтисодиёт вазирлиги қошидаги самарали иқтисодий сиёсат маркази томонидан инвестиция дастурини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун қабул қилинган.

Миллий иқтисодиётни инвестициялашда банк кредитларидан фойдаланишнинг самарали йўналишларини прогноз қилишда, иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Становление и развитие финансового рынка в Узбекистане» (1997 й.), «Монетарная политика: стратегия, цели и способы реализации» (1998 й.) мавзуларидаги илмий-тадқиқот ишлари ҳисоботларига (давлат рўйхатга олиш номери 01.980006729) киритилган ва «Европада пул ва солиқ муаммолари» халқаро симпозиуми (Германия, 1992 й.), Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси семинари (Тошкент, 1996 й.), Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-услубий конференциялари (Тошкент, 1995 - 2001 й.), «Математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибалари» республика илмий конференциясида (Тошкент, 2002 й.), «Ўзбекистон Банк-молия тизими ислохотларини чуқурлаштириш муаммолари ва уни иқтисодиётни ривожлантиришдаги таъсирини кучайтириш» Халқаро илмий-амалий конференциясида (Тошкент, 2003 й.), «Шестнадцатые международные

Плехановские чтения» (Ташкент, 2003 г.)да маъруза қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодий информатика ва АБТ», «Ҳисоблаш техникаси», «Ахборотлар технологияси», «Иқтисодий кибернетика» кафедраларида, Андижон-муҳандислик иқтисодиёт институти, Бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Солиқ-бюджет сиёсати маркази, «замонавий информацион технологиялар» илмий тадқиқот маркази қошидаги Кибернетика институти семинарларида, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг муаммовий-мувофиқлаштирилган кенгашларда муҳокама қилинган ва ҳимоя қилишга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг наشر қилиниши. Диссертациянинг асосий ғояси, унда олдинга сурилган илмий фикр-мулоҳазалар ва амалий тавсиялар 30 дан ортиқ илмий-услубий ишларда, яъни битта монография ва турли журналларда чоп этилган ўн иккита илмий мақола, шу жумладан чет элда босилган иккита илмий мақолада ўз аксини топган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши тадқиқот олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Илмий иш кириш, етти боб, хулоса ва таклифлар, илмий иш (жами 252 бет), жадваллар (жами 31 та), фойдаланилган адабиётлар рўйхати (жами 136 та) ва иловаларни (жами 12 бет) ўз ичига олади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий ўсишни молиявий таъминлаш муаммоси азалдан иқтисодиёт назарияси ва амалиётининг энг муҳим тадқиқот соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кўпгина хорижий иқтисодчи олимлар томонидан миллий иқтисодиётни молиялаштириш масалалари бозор иқтисодиётни тамойиллари нуқтаи назаридан назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Ўзбекистонлик олимлардан И.Каримов, М.Шарифхўжаев, А.Ҳикматов, М.Очилов, Д.Ҳозибеков, Т.Маликов ва бошқалар мамлакатимизда инвестициялаш муаммоларини кўриб чиққанлар.

Лекин шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда инвестицияни молиялаштириш таркибининг ялпи ички маҳсулотга таъсири, айниқса, инвестициялашда банк кредит маблағлари самарадорлигини ошириш масаласи эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда чуқур тадқиқ қилинмаган.

Мамлакат иқтисодиётини инвестициялашда банк кредитлари самарадорлигини ҳар томонлама старли даражада тадқиқ этилмаганлиги мазкур диссертациянинг мақсади ва вазифаларини белгилаб олишга туртки бўлди.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ва кредитлаш муассасалари фаолиятлари олинди.

Тадқиқот предмети Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида инвестицияларни банк кредитлари орқали молиялаштиришидир.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини Республикамиз Президенти И.А.Каримов асарларида олдига сурьлган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва инвестиция муҳитини соғломлаштиришга оид ғоялар ва фикрлар, Олий Мақлис томонидан қабул қилинган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар, Республика ҳукумати қарорлари, хориж ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг ислохотларни чуқурлаштириш ва инвестицияни молиялаштириш бўйича ўтмиш ва ҳозирги кундаги илмий ишлари, амалга оширган илмий тадқиқот ишлари натижалари ташкил қилади. Республика Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, турли даврларда нашр этилган расмий статистик маълумотлар, Давлат мулк қўмитасининг расмий маълумотлари, тадқиқотчи томонидан ўтказилган кузатиш ва таҳлил натижалари, шунингдек, монография ва илмий рисола каби нашрларда келтирилган амалий материаллар тадқиқотнинг ахборот таянчи бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотда назарий мушоҳада, илмий абстракция, мантиқий ва қиёсий таҳлил, математик ва статистик усуллар, график тасвирлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг ахборот базаси. Илмий ишда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Республика давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, Республика Марказий банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотлари, илмий-тадқиқот институтлари ҳисоботларидан, шунингдек, муаллиф томонидан мавзунинг ўрганиш юзасидан олиб борилган монографик кузатиш маълумотларидан фойдаланилди.

Кириш қисмида тадқиқот олиб борилган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, унинг ўрганилганлик даражаси, илмий ишнинг мақсад ва вазифалари, фанга қўшилган илмий яшгиликлар, унинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган.

Биринчи боб. - «Ўзбекистон Республикаси банк инвестицияларининг самарадорлигини ошириш муаммолари»да Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш арафасидаги ва ҳозирги кундаги банк тизими таҳлил қилинган. Тижорат банкларининг республика иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг асосий вазифалари кўриб чиқилган. Бундан ташқари банк институтларини яратиш ва инвестициялаш соҳасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси алоҳида ўрганиб чиқилиб, илмий аҳамиятга молик хулосалар келтирилган.

Иккинчи боб. - «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда инвестициянинг аҳамияти ва роли»да инвестициялаш шакллари, таркиби ва унинг иқтисодий моҳияти кўриб чиқилган, инвестиция жараёнлари таҳлил қилинган. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги инвестиция сиёсатига илмий баҳо берилган ҳамда унинг кўни укладли иқтисодиёти ва инвестициялари таркиби ўрганиб чиқилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқарилган.

Учинчи боб. - «Банк инвестицияларининг методологик ва услубий жиҳатлари» да банк капиталининг моҳияти ва унинг бозор иқтисодиётидаги роли, банк инвестициялари шакллари ва усуллари тўғрисида фикр юритилган. Ҳаракатда бўлган банк капитали ва амалга оширилган инвестициялар самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичлари масаласига алоҳида эътибор берилган.

Тўртинчи боб. - «Банк инвестициялари талаб ва таклиф ҳолати»да банк инвестицияларига бўлган талаб ва унинг ўзгариш тенденциялари таҳлил қилинган, инвестиция манбалари кўриб чиқилган ва банкларнинг унда тугган ўрнига баҳо берилган. Бундан ташқари банк инвестициялари бозоридаги талаб ва таклиф нисбати чуқур таҳлил қилинган.

Бешинчи боб. - «Инвестиция объектини баҳолаш услубиёти»да инвестиция объектининг молиявий таҳлилни келтирилган, молиялаш лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усуллари тўғрисида сўз юритилган. Боб сўнггида эса таваккаллик ва ноаниқлик омилларини ҳисобга олиш услубиёти келтирилган.

Олтинчи боб. - «Инвестициялашни прогноз қилиш» усуллариининг ўзига хос хусусиятлари ва таҳлили келтирилган. Инвестиция прогнози усулини қандай танлаш мумкинлиги ва уни баҳолаш усуллари кўриб чиқилган. Интервал прогноз қилишнинг комплекс статистик усули ишлаб чиқилган.

Еттинчи боб. - «Банк инвестицияларини эконометрик моделлаштириш»да инвестицияни молпялаштиришни прогноз қилиш натижалари келтирилган. Инвестицияни молпялаштиришнинг ялпи ички маҳсулотга таъсири чуқур тадқиқ қилинган. Банк инвестициясини оптимал таркибни аниқлаш ва инвестицияни ҳудудлар бўйича оптимал тақсимлаш моделлари келтирилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, банк инвестициялари самарадорлигини ошириш, инвестиция объектини баҳолаш, инвестициялашни прогноз қилиш бўйича ишлаб чиқилган муайян таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Ҳимоя қилинаётган ҳолатлар бўйича диссертациянинг асосий мазмуни

1. Маълумки, ҳозирги вақтда республикамиз иқтисодиётини эркинлаштириш асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифаларини амалга ошириш мақсадида иқтисодиётни бошқариш соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари мамлакатимиз Президентини И.А.Каримов томонидан белгилаб берилганди. Ушбу йўналишларнинг асосий мазмуни режалаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тизимини қайта қуриш, корхоналарнинг ўз фаолиятлари натижасидан манфаатдорлигини хўжалик ҳисоби орқали ошириш,

уларнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш ва ҳоказолардан иборат эди.

Иқтисодиётни бошқаришдаги ўзгаришлар молия-кредит тизимини тубдан қайта қуриш, инвестиция ва пул муомаласининг ролини ошириш, уларнинг халқ хўжалигини ижтимоий муаммоларни ечиш билан узвий боғлиқликда динамик, мутаносиб тарзда ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга бўлган таъсирини кучайтириш, кредитни ушбу муаммоларни ечишдаги энг муҳим воситалардан бирига айлантиришни талаб қилади.

Банклар фаолияти йўналишлари ва шаклларини тубдан ўзгартириш, уларнинг масъулиятини ошириш, уларни иқтисодиётни қайта қуришнинг фаол ва манфаатдор қатнашчиларига айлантириш зарур.

1995-2002 йилларда тижорат банклари сони тўққизтага ёки 1,31 баробар, банк филиаллари эса 1,13 мартага ортди. Худди шу даврда тижорат банкларининг шакллантирилган низом фондлари ҳажмлари 17 марта, кредит қўйилмалари ҳажмлари эса қариб 82 баробар ортди (1 жадвал). Тижорат банклари иқтисодиётини барча соҳаларини инвестицияловчи молия институтларига айландилар.

2. Инвестиция иқтисодий мезон сифатида эскириш туфайли ишлаб чиқаришдан чиқиб кетаётган фондларни тиклаш ва уларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қонун талабларига мос равишда кенгайтириш, сифат жиҳатидан яхшилаш каби объектив жараёнда юзага келувчи иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Инвестиция ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш воситаси сифатида чиқади.

Инвестиция ёрдамида иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли бандлиги, фан-техника ютуқларини амалиётга жорий этиш, инфратузилмани ривожлантириш, халқ хўжалиги таркибини такомиллаштириш, мамлакатнинг ҳаёт учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан хавфсизлигини таъминлаш каби кўплаб масалалар ечилади. Амалда муҳим аҳамиятга эга бўлган бирор бир тадбирни инвестициясиз амалга оширишнинг имкони йўқ.

Шулардан келиб чиққан ҳолда инвестицияга фақат даромад олиш учун сарф қилинган восита сифатида қараш ярамайди. Албатта, инвесторнинг асосий мақсади сарф қилинаётган инвестициядан маълум бир миқдорда даромад олишдан иборат бўлиши мумкин. Бироқ жамиятга шундай тадбирларга инвестиция қилишга тўғри келадими, улар олинадиган даромад миқдорига таъсир кўрсатмайди. Уларга, масалан, атроф-муҳитни сақлаш, мамлакат миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий муҳитнинг кўплаб объектларини ривожлантириш кабиларни киритиш мумкин.

Фақат даромад олиш учун ёки бошқа мақсадда амалга ошириладиган инвестициялашни бир-биридан аниқ фарқлаш, айниқса,

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари
фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (йил бошига)*

| Асосий кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | | | 2002 й. 1995 га нисбат. (марга) |
|---|--------------------|-----------------------|-----------------------|-----------------------|-----------------------|-----------------------|-------------------------|----------------------------|---------------|---------------|--|
| | 1995 | 1996 | 1997 | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2002 | | |
| Банклар сони, дона | 29 | 31 | 29 | 30 | 33 | 35 | 35 | 38 | 38 | 38 | 1,31 |
| Банклар фирмаллари умумий сони, дона | 709 | 727 | 773 | 729 | 791 | 796 | 792 | 803 | 803 | 803 | 1,13 |
| Низом фондлари ҳажмлари: эълон қилинган, - млн. АҚШ \$; - млн. сўм; нақллантирилган, - млрд. сўм | 204 383 6,33 | 204,5 1768 9,77 | 414 14659 14,06 | 588 13351 21,55 | 588 27603 27,69 | 438 37878 41,44 | 232,2 75466 75,87 | 156,6* 107738 107,74 | 0,76 281,3 | 0,76 281,3 | 17,02 |
| Кредит қўйилмалари ҳажмлари, млрд. сўм | 17,99 | 31,11 | 127,21 | 218,15 | 343,28 | 529,80 | 990,30 | 1483,44 | 1483,44 | 1483,44 | 82,45 |

* АҚШ доллари курси 2001 йил 1 январда – 325 сўм ва 2002 йил 1 январда – 688 сўмга тенг бўлганлиги сабабли (курсларни бир хиллаштириш мақсади амалга оширилган) устав капиталининг доллар курсидаги қиймати пасайган.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларидан олинди.

инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бир қаторда асосий фондларни янгилаш ва кенгайтириш, таълим ва айланма фондларни тўлдиришга сарф этилаётган инвестицияларни ҳам бир-биридан фарқлаш зарур.

Шундай қилиб, инвестиция деганда хоҳ ишлаб чиқаришга мўлжалланган, хоҳ бошқа характердаги асосий ва айланма фондларни шакллантириш, уларни кенгайтириш ва тўлдиришга сарф этилаётган воситаларни тушуниш керак бўлади.

Муайян инвестор ва инвестициялаш манбаларини аниқлаб олиш катта аҳамиятга эга. Барча инвесторлар ва инвестициялаш манбалари мулкчилик шакллари бўйича қуйидагиларга бўлинади:

ўзига тегишли бўлган молиявий воситалар (фойда, жамғармалар, амортизация чегирмалар, суғурта идоралари томонидан кўрилган зарарни қоплаш учун тўланадиган маблағлар ва бошқалар) ва четдан жалб қилинган воситалар (акциялар сотиш, хайрия ва бошқа бадаллар, юқори холдинг ва ҳиссадорлик компаниялари, саноат-молия гуруҳлари томонидан беғараз ёрдам сифатида ажратиладиган воситалар ва ҳ.к.);

- республика, минтақа ва маҳаллий бюджетлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи фондлардан ажратилган пуллар (улар қўшма корхоналар низом маблағида молиявий ёки бошқа кўринишда қатнашиш, шунингдек, халқаро ташкилот ва молия институтлари, давлатлар, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар, айрим шахсларнинг тўғридан-тўғри қўйилган пул маблағлари шаклида бўлиши мумкин);

— турли шаклдаги қарз маблағлари, шу жумладан, қайтариш шарти билан давлат томонидан ажратиладиган кредитлар, хориж инвесторларни кредитлари, қарз облигациялари, банклар ҳамда инвестицион фондлар ва компаниялар, суғурта жамиятлари, нафақа фондлари каби бошқа институционал инвесторлар кредитлари, шунингдек, векселлар ва бошқа маблағлар.

Барча инвестициялар ўз таркибига кўра қуйидагиларга бўлиниши мумкин:

— фондлар ташкил этиш ва уларни такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган капитал ҳосил қилувчи инвестициялар;

— ишлаб чиқариш инвестициялари - бу молиявий активларга маблағ қўйишни англатади.

3. Инвестицион фаоллик миллий иқтисодиёт янгилашнинг энг муҳим, асосий таркибий қисмларидан биридир. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ва кўламига фаол таъсир этар экан, у илмий-техник тараққиётнинг жадаллашуви, янги ишлаб чиқариш қувватларининг яратилиши ва аҳоли катта қисми бандлик даражасининг оширилишини таъминлайди. Иқтисодиётдаги таркибий силжишлар, республикадаги каби унинг турли минтақаларидаги ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ривожлантириш кўн жиҳатдан

инвестицион фаоллик ҳолатига боғлиқ. Шуниси ҳам муҳимки, янги асосий фондларни яратиш ва ҳаракатда бўлганларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган капитал қўйилмаларнинг катта қисми айнан инвестицион соҳа орқали ўтади.

Ўзбекистон Республикасида ана шу тамойилларга таянган ҳолда ҳам ички, ҳам ташқи инвесторлар учун фаол инвестицион сиёсат олиб борилмоқда. Хориж инвесторларига нисбатан очиқ эшиклар сиёсати, республика ташқи иқтисодий фаолиятини янада эркинлаштириш амалга оширилмоқда, олинган даромадни конвертация қилиш эркинлаштирилмоқда ва уни ҳеч қандай тўсиқларсиз олиб чиқиб кетилиши кафолатланмоқда, хусусий мулкни давлат мулкига айлантирмаслик, мол-мулкни қийматини тўлаш шарти билан мажбурий равишда давлат ихтиёрига олмаслик ва қонунчиликдаги асосий тамойилларни ўзгартирмаслик кафолатлари кучайтирилмоқда, имтиёзли солиққа тортиш тизими шакллантирилмоқда, хориж инвестицияларини жалб қилиш учун зарур бўлган молиявий инжиниринг, консалтинг инфратузилмаси барпо этилмоқда.

Макротузилиш даражасидан микротузилиш даражасига ўтиш ҳозирги кундаги инвестиция сиёсатининг устивор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Микротузилишга оид жиҳатларни биринчи даражали масала сифатида олдинга суриниш - бу, биринчидан, маҳсулотнинг муайян турлари, ассортимент таркиби ва бошқаларни ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясидаги таркибий ўзгаришларнинг ўсиб бораётган ролига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган умумжаҳон жараёнидир. Иккинчидан, айрим тармоқлар ички тузилишини такомиллаштириш ишидаги қолоқлик ва биринчи навбатда, анъанавий тармоқлар тузилишини қайта қуриш етарлича жадаллик билан олиб борилмаётганини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Шунинг учун ҳам олиб борилаётган давлат сиёсатининг яқин йиллар ичидаги вазифаси микротузилишга оид ўзгаришларни халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ёқилғи, энергия ва материалларнинг солиштирма сарфини қисқартириш, атроф-муҳитни сақлаш, экспорт имкониятини ошириш, импортни ўз маҳсулотимиз билан алмаштириш каби энг долзарб ва зарур муаммоларни ечишга йўналтиришдан иборат бўлиши керак.

4. Шунини қайд этиб ўтиш лозимки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётидаги инвестиция жараёнлари мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жамғармалар босқичларига боғлиқ деб айтиш мумкин (2-жадвал).

Ўзбекистонда хусусийлаштириш дастури уч босқичга бўлинади. Биринчи босқич 1994 йилда тугалланди ва унда уй-жой, майда корхоналар хусусийлаштирилди. Инвестицияга маълум даражада эҳтиёж сезилмади, жами инвестиция 1993-1994 йилларда ялли ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан жуда паст даражани (3,0% ва 5,7%) танкил қилди.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида инвестициянинг
молиялаштириш манбалари бўйича динамикаси (фоизларда)*

| Молиялаштириш манбалари | Йиллар | | | | | | | | | |
|--|--------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| | 1993 | 1994 | 1995 | 1996 | 1997 | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 |
| Жами инвестициялар (НИМга нисбатан) | 3,0 | 5,7 | 27,2 | 29,2 | 27,5 | 27,2 | 24,6 | 21,7 | 24,5 | 25,1 |
| Барча инвестициялар | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100* |
| Шу жумладан: Бюджет маблағлари | 14,5 | 27,1 | 22,9 | 24,0 | 25,3 | 22,8 | 29,4 | 30,2 | 23,1 | 23,8 |
| Қорхона маблағлари | 47,7 | 44,7 | 46,9 | 46,6 | 42,4 | 31,5 | 22,7 | 26,1 | 27,5 | 34,1 |
| Аҳоли маблағлари | 11,7 | 10,5 | 6,6 | 6,0 | 6,8 | 18,1 | 14,5 | 12,7 | 11,3 | 18,3 |
| Банк кредитлари | 26,0 | 11,1 | 9,6 | 7,3 | 8,1 | 7,9 | 9,0 | 8,1 | 8,7 | 3,4 |
| Чет эл инвестициялари | 0,1 | 6,6 | 14 | 16,1 | 14,7 | 19,7 | 24,4 | 21,5 | 29,3 | 20,4 |

* - асосий капиталга инвестициялар.

Жадвал: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.
Бюджетдан ташқари фондлар ва бошқа қарз маблағлари жуда оз миқдорни ташкил қилганлигини
учун улар банк кредитлари таркибига киритилган.

Хусусийлаштириш иккинчи босқичи давлат корхоналарининг оммавий равишда ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш билан характерланади. Бу даврга келиб инвестиция ҳажми ЯИМга nisбатан энг юқори даражага кўтарилди, инвестиция ҳажми ЯИМни қариб учдан бир қисмига тўғри келади.

Учинчи босқич хусусийлаштириш инвестиция фондлари (ХИФ) дастурларини амалга ошириш даврига (1996 йил) мос келиб, хусусийлаштирилган корхоналарда ички ва ташқи инвестицияларни рағбатлантириш билан характерланади.

Умуман Ўзбекистонда ислохотларни чуқурлаштириш даврида инвестициялашда сезиларли даражада устунликка эришилди. Инвестициялар таркибининг мавжуд динамикаси шуни англатадики, инвестициялар умумий ҳажмининг аста-секин ўсиб бориши билан бир вақтда унинг ўсиш суръатларининг пасайиши учун зарур бўлган дастлабки шарт-шароит етилиб бормоқда. Бундан ташқари, аҳоли маблағлари ва банк кредитлари инвестициялар манбалари умумий таркибида энг кам солиштирма улушга эга бўлиб, улар биргаликда қўшилган чоғда ҳам қандай бошқа позициядан камдир. Аҳоли маблағлари ва банк кредитлари инвестиция манбалари таркибида hozirча айрим олинганда давлат бюджети маблағлари, корхонанинг ўз маблағлари ва чет эл инвестицияларидан камроқ улушга эга бўлиб турибди (2-жадвал).

Лекин шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодиётида инвестиция манбалари таркибини такомиллаштиришда муҳим тенденцияга алоҳида аҳамият бериш лозим. Биринчидан, мамлакат иқтисодиётини инвестициялашнинг янги манбалари жорий этиш, яъни тижорат банклари томонидан узоқ муддатли кредитлар берилишини, акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларни эмиссиялашдан олинган маблағлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар, суғурта компаниялари, пенсия фондларини ривожлантириш ҳисобига катта пул маблағларини жалб этиш лозим. Иккинчидан, инвестицияларнинг анъанавий манбаларини соғломлаштириш, корхоналарнинг ўз маблағларидан самарали фойдаланишга қаратиш, бюджет ажратмаларини конкурс асосида тақсимлаш, мақсадли ва имтиёзли кредитлардан фойдаланишни такомиллаштириш лозим.

Буларнинг барчаси инвестиция спёсатини такомиллаштириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлашга асос бўлади. Бу спёсат hozirча инвестицияларни миллий иқтисодиётнинг капиталга талабгорлик даражаси пастроқ ва ишлаб чиқаршдан узоқроқ бўлган тармоқларига йўналтирмоқда, корхоналардаги умумий фойданинг ўсишини таъминламаяпти, асосий капитал амортизациясини ҳисобга олмаяпти ва такрор ишлаб чиқариш жараёнлари тузилишининг энг мақбул динамикасини таъминлай олмаяпти.

5. Банк капитали капиталнинг таркибий қисми сифатида вақтинча ишлатилмаётган пул маблағларини такрор ишлаб чиқариш умумий айланишига жалб қилиш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида унинг айрим бўғинларни, хусусан, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол орасида пайдо бўлган узиллиш банк капитали иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос шакли сифатида мавжуд бўлишининг объектив шарти бўлиб ҳисобланади. Улар орасида вақт бўйича юзага келган номувофиқлик натижасида уларнинг баъзиларида банк ресурсларига нисбатан қўшимча эҳтиёж пайдо бўлади.

Вақтинча ишлатилмаётган ва такрор ишлаб чиқариш жараёнида фаол қатнашмаётган маблағлар уларнинг эгасига фойда келтирмайди, бу эса капиталнинг туб моҳиятига зид бўлиб ҳисобланади.

Капитал ўз эгасига даромад олиб келувчи восита сифатида доимо айланма ҳаракатда бўлиши ва такрор ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиши керак. Маблағлар айланма ҳаракатининг узлуксизлигини таъминлаш учун махсус муассаса зарур бўладигани, у вақтинча ишлатилмаётган пулларни сафарбар қилиб, уларни муҳтож бўлганларга бериш вазифасини бажаради. Бу вазифани банклар бажаради.

Айниқса, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт шароитида банкларнинг роли ва аҳамияти кескин ортади. Кўп укладли бозор иқтисодиёти шаклланиши билан мулкдорлар ва хўжалик бирликлари субъектлари сони анча кўшаяди, марказлаштирилган давлат бошқаруви заифлашиши билан бир вақтда улар орасидаги иқтисодий алоқалар мураккаблашади. Бозор муносабатлари жорий этилиши баробарида аввал давлат, маъмурий бошқарув идоралари томонидан бажариб келинган кўлаб вазифа ва функциялар энди мустақил иқтисодий тизимларга ўтади.

Банклар мамлакат иқтисодий тузилишининг муҳим бир бўғини сифатида давлат иқтисодий сиёсатини амалга ошириш, хусусан, хўжалик юритишининг бозор моделларини ҳаётга татбиқ этиш, халқ хўжалигини ўзгартириш ва қайта қуриш, капитал, товарлар ва меҳнат бозорларидаги талаб ва таклифни тартибга солишда тобора фаолроқ қатнашади. Улар иқтисодиётни бозор тамойилларига ўтказиш, кўп сонли тармоқлар, объектлар ва хўжалик юритиш субъектлари орасидаги мунтазам иқтисодий алоқани таъминлашга фаол равишда кўмаклашади.

6. Маълумки, банклар турли функцияларни бажарадигани, бу функциялар мамлакат иқтисодий ҳаётидаги бозор муносабатлари ривожланиб борагани сари хилма-хил ва кўп қиррали тус ола боради. Вақтинча ишлатилмаётган пул маблағларини ишга солиш ва уларни хўжалик юритиш айрим субъектларида пайдо бўлаётган эҳтиёжларни қондиришга йўналтириш бу функциялар ичида энг муҳими бўлиб ҳисобланади.

Банклар инвестицион фаолиятда қуйидаги йўллар орқали қатнашади:

- а) инвесторларга ҳисоб-касса хизмати кўрсатиш;
- б) фондларни шакллантириш учун кредитлар бериш;
- в) ўз маблағлари ҳисобидан инвестициялашда бевосита қатнашиш.

Дастлабки пайтларда тижорат банклари, асосан, Молия вазирлиги томонидан бюджет тақчиллигини қоплаш ёки қандайдир йирик тадбирларни мақсадли молиялаш учун чиқарилаётган давлат қисқа муддатли облигацияларини (ДҚМО) сотиб олиш орқали ўз воситаларини инвестициялашда қатнашдилар.

Бироқ тадқиқот ишида 1996-2002 йиллар мобайнида ДҚМО нинг даромадлилиги бўйича маълумотларни таҳлил қилиб чиқиш шунинг кўрсатмоқдаки, унинг даромад келтириши, ўртача олганда, камайиш тенденциясига эга: агар 1996 йилнинг март ойида ДҚМО нинг даромад келтириши, оддий фондлар бўйича 62,48% ни ташкил қилган бўлса, 2002 йилнинг шу ойига келиб ушбу кўрсаткич фақатгина 15,63% ни ташкил этди.

Ҳақиқатдан ҳам, давлат бюджети тақчиллиги ва инфляция даражаси пасайиш билан ДҚМО га бўлган талаб ҳам камаяди ва реал иқтисодиёт банк капитали даромад келтирилишининг асосий манбаи бўлиб қолади.

Банк инвестициялари самарадорлигига келсак, уни баҳолаш учун бу инвестицияларнинг самарадорликка бевосита таъсирини ҳар томонлама аниқлашга имкон берувчи кўрсаткичлар тизими талаб этилади. Банк инвестициялари ёрдамида ечиладиган мақсадли вазифалар ниҳоятда кўп қирралидир. Банк инвестициялари ёрдамида бир жойда тақчил маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш муаммоси ечилса, бошқа жойда - ижтимоий соҳани ривожлантириш масаласи, учинчи ерда - экологик ҳолатни яхшилаш муаммоси ва ҳ.к. ҳал қилинади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан фарқ қилади. Бунда самарадорликка ҳам банклар манфаатлари нуқтаи назаридан, ҳам жамият, давлат ёки минтақа манфаатлари нуқтаи назаридан туриб баҳо бериш керак бўлади.

Агар банк инвестициялари ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш учун, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи муайян бир объект қурилиши учун амалга оширилаётган бўлса, у ҳолда унинг самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимдан фойдаланиш керак бўлади:

- ялпи ва соф маҳсулот ўсишининг бир бирлик инвестицияга тўғри келувчи миқдори;

- инвестиция ҳисобига олиган қўшимча фойданинг бир бирлик инвестиция, сарфланган харажат, асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келувчи миқдори;

- асосий фондларга қўйилаётган инвестицияларнинг қопланиш муддати;

- жонли меҳнатнинг ишлаб чиқариш даражасида инвестиция эвазига ўзгариши;

- ишчи-ходимлар меҳнатига тўланаётган ҳақ даражасининг инвестиция натижасидаги ўзгариши.

Банк инвестицияларининг самарадорлигини тўла тавсифлаш учун ушбу «соф иқтисодий кўрсаткичлар» билан бир қаторда қўшимча равишда қуйидаги кўрсаткичларни ҳам аниқлаш лозим бўлади:

- мамлакат, минтақа ва ҳоказолардаги экологик вазиятнинг ўзгариши;

- аҳоли бандлиги ва ижтимоий соҳа ҳолатига таъсири;

- ишлаб чиқаришни рақобатбордошлиги, унинг маҳсулотини экспортбордошлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг ўзгариши.

7. Банк инвестициялари бозорининг ҳолати, бошқа ҳар қандай бозорлар каби, инвестициялаш маблағларига нисбатан талаб ва таклиф, уларнинг нисбати орқали аниқланади.

Бу ўзига хос бозор фаолияти инвестициялаш маблағларига нисбатан талаб ва таклифга боғлиқ. Талаб таклифдан устун келган чоғда банк инвестициялари бозори мувозанати инвестиция маблағлари баҳосининг оширилиши ва унга бўлган талабнинг чекланиши орқали таъминланади. Таклиф талабдан устун келган чоғда, аксинча, инвестиция маблағлари баҳоси пасаяди, талаб имкониятлари эса кенгаяди ва шу билан бозордаги мувозанатга эришилади.

Банк инвестициялари бозоридаги талаб ва таклифни тартибга солиш механизмининг ўзи жуда мураккаб бўлиб, у Молия вазирлиги, мамлакат марказий банки, тижорат банклари ва иқтисодиётни бошқаришнинг бошқа тузилма ва идораларининг молия-кредит фаолиятларига боғлиқдир.

Мазкур механизмнинг энг асосий воситаларидан бири бўлиб банк ҳисоб рақамида пул, қимматбаҳо қоғозлар (облигация ва бошқалар) сақлаганлик, ички ёки ташқи бозордан олинган кредитлар учун тўланадиган фонд ставкалари ҳисобланади.

Банк соҳасида рақобат муҳитини яратиб барча иқтисодийдаги сингари муҳим аҳамиятга эга. Бунга банк тизимини монополиядан чиқариш ва мустақил тижорат банкларининг барча минтақалар, тармоқлар ва соҳаларни қамраб олувчи ривожланган тармоғини тузиш йўли билан эришилади. Фақат шу ҳолдагина банклар орасидаги энг яхши хизмат кўрсатиш учун миқозларни жалб қилиш бўйича маданиятли рақобат учун шарт-шароит яратишга оид вазифаларни муваффақиятли ечиш мумкин. Бу шарт-шароитга, энг аввало, пул сақлаганлик учун ҳам, кредит берганлик учун ҳам оқилона фонд ставкаларини ўрнатиш кирди.

Оқилона (оптималь) фонд ставкасининг муайян мазмуни нимадан иборат? Бу саволга жавоб бериш учун, аввало, фонд ставкаларининг

пастки чегарасини аниқлаб олиш керак бўлади. Мижоз омонати бўйича фонз ставкасининг энг пастки чегараси инфляция суръатидир. Агар бу пастки чегара инфляция суръатидан кичик бўлса, у ҳолда пулни омонатга қўйиш мижоз учун фойдали эмас. Бу ҳолда пулни банкда сақлашнинг иқтисодий мотиви йўқолади.

Фонз ставкасининг мижоз омонати бўйича юқори чегарасига келсак, уни аниқлаш бир оз мураккаброқ характерга эга бўлиб, бир қатор омилларга боғлиқ бўлади. Унинг катталигига инфляция жараёнлари суръатларидан ташқари, масалан, жаҳон ва мамлакатдаги умумий иқтисодий ва молиявий ҳолат, ижтимоий-сиёсий вазият, барқарорлик ва ишончлилиқ ҳолатлари, мамлакат ва муайян банк имиджи кабилар таъсир этади.

Ўтиш даврида инвестицияга нисбатан талабнинг таклифга қараганда анча ортиқ бўлиши характерли ҳолдир. Бу кўп сабаблар, хусусан, таркибий қайта қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш зарурияти, хўжалиқ юритиш янги шакллари барпо этиш ва асосий фондларни янгилаш ва ҳоказолардан келиб чиқади. Шу билан бир вақтда ўтиш даври, одатда, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, даромадларнинг қисқариши, бюджет тақчиллиги ва салбий ҳодисалар билан биргаликда кечадикки, улар ички инвестиция имкониятларини, инвестицияни таклиф қилиш имкониятларини торайтиради. Инвестиция маблағлари ўта тақчил бўлиб қолади. Мисол учун, 1996 йилнинг III чорагида Ўзбекистон Республикаси хўжалиқ органларидаги талаб ва таклиф бўйича фарқ 29 %, бюджет соҳалари бўйича - 32 % ни ташкил этди. Бошқа даврлар бўйича ҳам деярли шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин.

Инвестицияга бўлган талабга тузатиш киритиш қанчалик муҳим бўлмасин, хўжалиқ юритиш субъектларининг инвестиция ва кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун қўшимча манбалар қидириб топиш инвестиция бозорини бошқаришнинг бош йўналиши бўлиши лозим.

8. Диссертацияда таклиф этилаётган инвестиция объектининг молиявий таҳлили инвестиция жараёни барча босқичларининг ажралмас бир қисмидир. Инвестор молиявий аҳволи номаълум бўлган ҳуқуқий ёки жисмоний шахс билан иш олиб бормади. Ривожланган бозор инфратузилмасига эга бўлган мамлакатларда молиявий ҳисоботларни матбуотда эълон қилиш юзасидан олиб бориладиган меъёрдаги алоқаларнинг умумий қабул қилинган, одатдаги шарти бўлиб ҳисобланади. Мунтазам равишда чиқиб турадиган турли маълумотномалар ҳам мавжуд бўлиб, улар бўйича тегишли фирманинг молиявий аҳволи тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Ватанимиз амалиётида молиявий таҳлил бўйича олиб борилган ишларнинг сифати экпертнинг малакаси, информациянинг ишончлилиги ва фойдаланиладиган аудит усули орқали аниқланади.

Инвестициялар жараёни ўзинга хос хусусиятларга эга бўлиб, улар

маълум даражада пул маблағлари ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир. Инвестицион лойиҳалашнинг энг мураккаб бўлими бўлиб пул оқимларини ҳисоб-китоб қилиш ва реал пул сальдосини аниқлаш ҳисобланади. Пул маблағлари оқими шундай тарзда шакллантирилиши лозимки, йиғилган реал пуллар сальдоси ҳар доим мусбат қиймат қабул қилиши керак бўлади.

Лойиҳанинг молиявий асосланганлиги харажат натижаларининг даромадлиликнинг талаб қилаётган меъёрини таъминловчи нисбат орқали аниқланиши лозим. Бунда лойиҳанинг амалга оширилишида уч турдаги фаолият ҳисобга олинади: инвестиция, операция ва молиявий фаолиятлар.

Барча уч фаолият турида кириб келаётган $K_i(t)$ ва чиқиб кетаётган $Ч_i(t)$ пул воситалари орасидаги фарқ реал пуллар сальдоси $\Phi(t)$ деб аталади ва у қуйидагига тенг бўлади:

$$B(t) = \sum_{i=1}^3 [K_i(t) - Ч_i(t)] = \Phi_1(t) + \Phi_2(t) + \Phi_3(t)$$

Диссертация ншида турли инвестиция лойиҳаларини қиёслаш ва уларни амалга оширишда қатнашиш ҳажми ва шаклини асослаш учун соф дисконтлаштирилган даромад, соф даромад, даромадлилик ички меъёри мезонларидан фойдаланиш тавсия қилинади. Улар юқорида келтирилган формула бўйича ҳисобланади ва $K_i(t) - Ч_i(t)$ нинг қийматлари олинади.

9. Мавҳумлик деганда лойиҳани амалга оширишга доир шартлар, шунингдек, у билан боғлиқ бўлган харажат ва натижалар тўғрисидаги маълумотнинг тўлиқ эмаслиги ёки ноаниқлиги тушунилади. Лойиҳани амалга ошириш мобайнида пайдо бўлиши мумкин бўлган ноҳуш вазият ва оқибатлар билан боғлиқ бўлган мавҳумлик хатар тушунчаси орқали тавсифланади. Молия соҳасида инвестиция хатарини маълум бир турдаги инвестициялардан олиндиған даромадларнинг ўзгарувчанлиги (мавҳумлиги) деб ҳисоблаш қабул қилинган³. Агар амалга ошириш шартлари турлича бўлганда лойиҳага оид харажат ва натижалар турлича бўлса самарадорлик ҳисобида хатар ва мавҳумлик омилларини ҳисобга олиш керак бўлади. Капитал қўйилма натижасининг мавҳумлиги нафақат молиявий бозор ҳолатига, балки техноген хатарлар даражасига ҳам боғлиқдир.

Турли инвестиция лойиҳаларини ёки уларнинг вариантларини таққослаш ва улардан энг яхшисини танлаб олишда фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлардан кутилаётган интеграл самара C_k деб аталувчи кўрсаткичдир. Захиралаш ва суғурталашнинг энг мақбул ҳажми ва шакллари асослаш учун ҳам худди ана шу кўрсаткичлардан

³ Тарасов В., Оленей Н. Оценка инвестиционного риска. Ж. «Банковские технологии», Москва, декабрь, 1998.

фойдаланилади. Агар лойиҳани амалга ошириш турли шартлари (вариантлари) эҳтимолликлари аниқ маълум бўлса, кутилаётган интеграл самара қуйидаги математик кутилма формуласи бўйича ҳисобланади:

$$C_k = \max \{S_i P_i\} ,$$

бунда: C_k — лойиҳадан кутилаётган интеграл самара; S_i — лойиҳани амалга оширишнинг i — шартидаги (вариантидаги) самара; P_i — бу шартнинг юз бериш эҳтимоли.

Тадқиқот ишида умумий ҳолда кутилаётган интеграл самарани қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш тавсия этилади:

$$C_k = F * [C_{\max} + (1 - C_{\min})] ,$$

бунда: C_{\max} ва C_{\min} - интеграл самара математик қўйилмаларининг мумкин бўлган эҳтимол тақсимоатлари бўйича энг катта ва энг кичик қийматлари; F —самара мавҳумлигини ҳисобга олиш учун мўлжалланган махсус норматив бўлиб, у мавҳумлик шароитида мос хўжалик субъекти афзалликлари тизимини ўзида акс эттиради. Кутилаётган интеграл иқтисодий самарани аниқлашда F ни 0,3 даражада деб қабул қилинади.

10. Республика иқтисодиётини инвестициялашни прогноз қилишнинг амалда қўллаш учун яроқли бўлган ва назарияни ривожлантиришга ёрдам берувчи усуллари иқтисодий соҳада олиб борилаётган сиёсатнинг устивор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқишни лозим.

Иқтисодий жараёнлар объектив ғоялари ва қонунларининг мавжудлиги - бу, прогноз қилишнинг зарур, лекин етарли бўлмаган дастлабки шартларидир. Етарли шарт-шароит прогнозни амалга ошириш имконияти пайдо бўлгандагина юзага келади. Ушбу имконият эса прогноз қилиш усуллари мажмуини ишлаб чиқишни талаб этади. Прогноз қилиш усулларини ишлаб чиқиш кишиларнинг билим ва сезгиларига асосланиб, башорат қилиш маҳоратидан таҳлилнинг турли миқдор ва сифат услублари қўлланилувчи маълум бир фанга айлана бошлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, прогноз қилишнинг ўзи - бу, келажакни кўра билиш ва шунга эришишга йўналтирилган фаолиятнинг бир кўринишидир. Шу билан прогноз қилиш уни амалга ошириш йўли бўлиб ҳисобланган прогноз қилиш усулидан фарқ қилади. Прогноз қилиш усули қандай йўл билан келажакни олдиндан кўра билиш мумкин, деган саволга жавоб беришга ёрдам беради. Прогноз қилиш усуллариининг ўзига хос томони - турли объектларни прогноз қилиш учун бир хил усуллардан фойдалана олиш имконияти ва, аксинча, бир объектни прогноз қилиш учун кўп усуллардан фойдалана олиш имкониятидан иборат.

Прогноз қилиш усуллари омилларин (сабаб-оқибат

боғланишларини) ҳисобга олиш даражаси ва йўли, прогноз қилиш даври, бир хил объектлар учун фойдаланиш имкониятлари, сермеҳнатлилиги, зарур информация ва ҳисоблаш таъминоти бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Усулларнинг ўзига хос белгилари кўп жиҳатдан бир-бирига зиддир. Уларнинг баъзилари ижобий, бошқалари - салбий. Ўсиш омиллари ва манбаларини чуқурроқ ҳисобга оладиган усуллар, масалан, моделлаштириш ва эксперт баҳолаш усуллари, ҳисоблашнинг мураккаб усуллари чуқур билим, ишончли информация, вақт ва маблағни кўп сарф этишни талаб этади. Сабаб-оқибат боғланишларини ҳисобга олмайдиган экстраполяция усуллар эса, аксинча, бирмунча содда бўлиб, унчалик кўп миқдорда маълумот талаб қилмайди ва минимал сарф-харажат билан қисқа муддат ичида амалга оширилиши мумкин.

Прогноз қилиш тажрибаси орта боргани сари оддий усуллардан мураккаброқ усулларга, экстраполяциядан моделлаштиришга, формаллаштирилмаган процедуралардан кўпроқ формаллаштирилган процедураларга, сифат баҳоларидан миқдор баҳоларига ўтиш зарур бўлади. Прогноз қилиш усуллари прогноз қилиш объектларининг мураккаблик даражасига мос бўлиши, аввал бевосита, кейин эса билвосита ва тескари сабаб-оқибат боғланишларини ўзида тавсифлаши лозим.

Прогноз қилиш усулини танлаб олиш прогностика муаммолари ичида энг асосийларидан бири бўлиб ҳисобланади, уни алгоритмлаштириш жараёни эса кам ўрганилган ва ҳалигача тўлиқ ҳал этилмаган масаладир.

Ҳар бир усулни прогноз қилиш усулларининг континуал таснифи нуқтаи назаридан информацияни қайта ишлашнинг қандайдир алгоритми деб қараш мумкин. Шунинг учун инвестиция жараёнларини прогноз қилиш усулларининг энг муҳим хусусиятларидан бири — уларнинг дастлабки маълумотларга нисбатан талабларда акс этувчи информация характеристикасидир.

Биз прогноз қилиш усуллари информация характеристикаларини таснифлашнинг матрица усулини, шунингдек интервал прогноз қилиш алгоритминини ишлаб чиқдик.

Таснифлаш прогноз қилиш тажрибаси базасида, у ёки бу усулнинг имкониятлари ва тадқиқ этилаётган объектни прогноз қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Прогноз қилишнинг комплекс усулини қуриш қуйидаги бир неча босқичлардан иборат.

I. Биринчи босқичда қуйидагилар амалга оширилади:

а) комплекс экстраполяция прогноз ҳисобларини қуриш ва умумий ишончли интервал (V_{1t}^i, V_{2t}^i) ни аниқлаш;

б) X_1, X_2, \dots, X_n кўрсаткичларнинг уларга таъсир этувчи омилларга боғлиқлигини тавсифловчи регрессия моделларини қуриш;

в) $T+1, T+2, \dots, T+Q$ моментларда бажарилувчи детерминлашган шартларни аниқлаш.

II. $\bar{X}_{1t}, \bar{X}_{2t}, \dots, \bar{X}_{nt}$ ларни (V_{1t}', V_{2t}') ишончли интерваллар чегарасида имитация қилиш. Имитация қилинган $X_{1t}, X_{2t}, \dots, X_{nt}$ қийматларга мос келувчи X_1, X_2, \dots, X_n кўрсаткичларнинг прогноз қийматларини аниқлаш.

III. Комплекс прогнозлар математик кутилмалари ва дисперсияларини баҳолаш. Ишончли интерваллар қуриш.

Инвестициялашни прогноз қўилишини ўзига хос хусусиятлари, усулини танлаш ва баҳолаш масалалари ҳақида диссертация ишида атрофлича тўхталган.

II. Инвестиция манбаларини моҳиятини прогноз қилиш учун яна бир қатор илмий-услубий ва амалий масалаларни ечишга тўғри келди. Бу масалалар ичида қуйидагилар муҳим аҳамиятга эгадир:

1). Инвестициялаш манбаларини хусусиятларини тавсифловчи ва улардан самарали фойдаланишни белгиловчи омилларни идентификациялаш, жумладан, миқдорий омилларни ўзаро боғлиқлигига қараб идентификациялаш, уларнинг қийматини катта кичиклигига қараб тасаввур қилиш.

2). Ҳар бир молиялаштириш манбаларини (X_i) ўзаро боғлиқлиги сабабларини ва уларни натижавий белгилари – капитал қўйилмалари ва умумдавлат иқтисодиёти кўрсаткичи - ялпи ички маҳсулот (Y) билан боғлиқлигини белгилаш, корреляцион муносабат ($S_{x,y}$) матрицаси ва жуфтлик корреляция коэффицентини ($R_{x,y}$) ни қуриш.

3). Инвестицияни молиялаштириш манбаларини кўп омилли таҳлили ва кўп босқичли корреляция индексларини ($R_{x,y}$) миллий иқтисодиёт самарадорлигига таъсир даражасига боғлиқ равишда фарқламоқ.

4). Инвестиция манбалари (ҳар бир омил бўйича бутун ва хусусий корреляция коэффицентлари)ни иқтисодиётини ўсишига ва мамлакат иқтисодиёти қудратини ифодаловчи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни ортишда инвестиция манбаларини барқарор улусини топиш.

Талаб қилинадиган маълумотларни етарли бўлмаслиги бу масалани мавжуд бўлган омиллар асосида қўйиш ва ечишни баъзи бир қисқартирилган шартлар кўринишда ҳал қилишни тақозо этади.

Молиялаштириш манбалари бўйича 1995-2002 йиллардаги Ўзбекистонда асосий капиталга сарфланган инвестициялар маълумотларидан фойдаланиб МАКРО I пакетда ШЭХМда ҳисоблар ўтказилди.

Кўп омилли корреляция тенгламалар инвестиция манбаларини мамлакат ялпи ички маҳсулотига таъсирини аниқлаш учун боғлиқлик турлари алоҳида-алоҳида қурилди. Тадқиқот ишида ҳисоб ишлари кўп омилли таҳлилнинг маълум қондалари асосида бажарилди.

Барча кўрсаткичларнинг назарий қийматлари энг кичик квадратлар усули асосида аниқланди. Боғлиқлик тенгламаси эмперик йўл билан танлаб олинди. Жуфтлик корреляция коэффицентлари барча омиллар учун биргалликда аниқланди. Мавжуд боғлиқлик даражаси Фишер мезони асосида баҳоланди.

Тадқиқот ишида инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича қуйидаги регрессия тенгламалари олинди.

1. Бюджет маблағлари учун параболлик тенглама

$$X_1 = 20790 + 5062 \cdot t^2$$

2. Корхона маблағлари учун параболлик тенглама

$$X_2 = 57350 + 3387 \cdot t^2$$

3. Аҳоли маблағлари учун даражали тенглама

$$X_3 = 8390 \cdot t^{1,225}$$

4. Банк кредитлари учун даражали тенглама

$$X_4 = 7030 \cdot t^{0,9888}$$

5. Чет эл инвестициялари учун даражали тенглама

$$X_5 = 11270 \cdot t^{1,436}$$

Ушбу тенгламалар билан инвестицияни молиялаштириш манбаларини прогнози қилинди.

12. Инвестициялаш билан ЯИМ орасидаги боғлашни аниқлаш учун 1995-2001 йиллардаги инвестицияни молиялаштириш манбалари таркиби динамикаси билан 1996-2002 йиллардаги ЯИМ ҳажми орасидаги (инвестиция бир йилдан сўнг ЯИМда аксланади деган гипотеза билан) қуйидаги кўп омилли регрессия тенгламаларини ишлаб чиқдик.

Тўғри чизиқли регрессия тенгламаси

$$Y_1 = -345,6 - 28,56 \cdot X_1 + 51,28 \cdot X_2 + 0,0106 \cdot X_3 + 0,03817 \cdot X_4 - 0,0006028 \cdot X_5$$

$$R = 0,948; F = 2,08; E(\%) = 11,63$$

Чизиқли-логарифмик регрессия тенгламаси

$$Y_2 = 12960 + 548,0 \cdot \ln(X_1) + 72,89 \cdot \ln(X_2) + 1566,0 \cdot \ln(X_3) + 658,6 \cdot \ln(X_4) - 1430,0 \cdot \ln(X_5);$$

$$R = 0,909; F = 1,25; E(\%) = 19,20$$

Гиперболик регрессия тенгламаси

$$Y_3 = 1875 - \frac{232800000}{X_1} + \frac{90860000}{X_2} - \frac{99650000}{X_3} + \frac{39630000}{X_4} - \frac{154000000}{X_5};$$

$$R = 0,934; F = -1,36; E(\%) = 12,63$$

Параболик регрессия тенгламаси

$$Y_4 = 1700 + 0,00000005937 X_1^2 + 0,00000002988 X_2^2 - 0,0000001459 X_3^2 - 0,000001292 X_4^2 - 0,0000000785 X_5^2;$$

$$R = 0,847; F = 0,11; E(\%) = 168,99$$

Даражали регрессия тенгламаси

$$Y_5 = 0,001307 X_1^{0,2992} X_2^{0,1332} X_3^{0,2636} X_4^{0,3380} X_5^{0,2411}$$

$$R = 0,997; F = 35,93; E(\%) = 4,67$$

Ушбу тенгламалар билан ЯИМ ни прогноз қилиш натижалари шунини кўрсатадигани, даражали регрессия тенгламаси натижалари кўпроқ ҳақиқатга яқиндир. Буни даражали регрессия тенгламасини параметрлари қийматлари ҳам тасдиқлайди.

Танлаб олинган модел асосидаги ҳисоблашлар даражали регрессия тенгламасини аниқлик даражаси 94,22 фоиз эканлигини кўрсатади. Ушбу тенглама билан инвестицияни молиялаштириш манбаларини ўзгаришини ЯИМга таъсири ҳисобланди (3-жадвал).

Жадвалдаги ҳисоблар натижалари шунини кўрсатадигани, ЯИМ ўсишига банк кредитларини инвестициялашда улушини орттириш бошқа манбалардан кўпроқ таъсир қилар экан. Ундан кейинги ўринларда бюджет маблағлари, аҳоли маблағлари, чет эл инвестицияларидир. Лекин банк кредитларини ҳажми янги инвестицияни 10 фоизини ҳам ташкил қилмаслиги назарга олсак, уни 2 баробарга орттириш ЯИМ ни 26,38% ўсишига олиб келишни жуда юқори кўрсаткичдир.

Умуман олганда, инвестициялаш ҳажминини орттириш пропорционал равишда ЯИМни орттиришга олиб келмайди. Яъни инвестиция манбаларини биринчи 10 фоизга орттириш натижасига ҳосил қилинган

3-жадвал

Инвестицияни молиялаштириш манбаларини ўзгаришининг
мамлакат ЯИМга таъсири (фоизларда)*

| Молиялаштириш манбалари | 10% | 20% | 30% | 40% | 50% | 60% | 70% | 80% | 90% | 100% |
|--------------------------|------|------|------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Бюджет маблағлари | 2,88 | 5,60 | 8,16 | 10,58 | 12,89 | 15,09 | 17,20 | 19,22 | 21,16 | 23,05 |
| Корхона маблағлари | 1,29 | 2,47 | 3,57 | 4,59 | 5,56 | 6,47 | 7,33 | 8,15 | 8,94 | 9,68 |
| Аҳоли маблағлари | 2,58 | 4,96 | 7,20 | 9,32 | 11,32 | 13,23 | 15,06 | 16,80 | 18,48 | 20,09 |
| Банк кредитлари | 3,26 | 6,34 | 9,26 | 12,03 | 14,67 | 17,20 | 19,63 | 21,96 | 24,21 | 26,38 |
| Чет эл ва инвестициялари | 2,29 | 4,46 | 6,49 | 8,41 | 10,23 | 11,99 | 13,61 | 15,18 | 16,70 | 18,15 |

Жадвал: муаллиф ҳисоблари асосида тузилган

ЯИМ билан кейинги 10 фоизга ортишидаги ЯИМни ўсиши фарқ қилади. Биз бу ерда туйинган капитал ҳодисасига дуч келамиз. Масалан, X_1, X_2, \dots, X_5 ларни ҳозирги ҳолатдан 10 фоизга ортиши ЯИМни мос равишда 2,88; 1,29; 2,58; 3,26 ва 2,29 фоизларга ўсишига олиб келса, уларни яна 10 фоизга (10% дан 20% гача) ортиши ЯИМга 2,72; 1,18; 2,38; 3,08 ва 2,17 фоизларда таъсир этар экан. Худди шу молиялаштириш манбаларини 90% дан 100% ортиши эса ЯИМни мос равишда 1,89; 0,74; 1,61; 2,17 ва 1,35 фоизларгагина ўсишига олиб келади холос.

13. Таҳлиллар кўрсатадики, тижорат банкларининг актив операциялардан оладиган даромадлари бир-бирларидан анча фарқ қилади. Масалан, тижорат банкларидан Савдогарбанк, Саноатқурилишбанк, Уйжойжамғармабанкларни 1999-2002 йиллардаги фоизли даромадларининг таркибини таҳлили уларнинг берилган кредитлардан келган даромадлари 84,44 фоиздан 99,48 фоизгача, бошқа банкларга берилган маблағлардан олган даромадлари 0,22 % дан 1,04% гача, қимматли қоғозлар билан операциялардан даромадлари 0,58% дан 6,24% гача ва бошқа фоизли даромадлари 0,03% дан 12,72% гача ташкил қилганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизнинг бошқа тижорат банкларининг даромадлари таркиби маълумотларини таҳлил қилсак, улар орасидаги фарқ яна ҳам кўпроқлиги яна ҳам намоён бўлади. Шунинг учун ҳам тижорат банкларининг умумий даромадлигини ошириш муҳимдир.

Қуйида келтирилган иқтисодий-математик модел тижорат банкларининг ликвидликларини ҳисобга олган ҳолда умумий олиннадиган даромадни кўпайтириш масалаласини ечишга йўналтирилган.

Тижорат банкларининг оладиган умумий даромадларини максималлаштирадиган ҳар бир (i) банк учун шундай активлар (j) таркибини аниқлаш керакки, яъни шундай X_{ij} ларни топиш лозимки,

$$F(X_{ij}) = \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n C_{ij} X_{ij} \quad (1)$$

максимумга эга бўлиб, қуйидаги шартлар бажарилсин.

1). Тижорат банклари активлари турлари йиғиндиси маблағлар турлари бўйича бўлган талабларга мос келсин

$$\sum_{i=1}^m X_{ij} \geq T_j, \quad j = 1, 2, \dots, n \quad (2)$$

2). Активлар турлари бўйича талаб қилинган ликвидлик нормалари бажарилсин

$$A_{ij} X_{ij} \geq L_j, \quad j = 1, 2, \dots, n; \quad i = 1, 2, \dots, m \quad (3)$$

3). Ҳар бир банкдан ажратиладиган кредитлар турлари йиғиндиси банк активи ҳажмига тенг бўлсин

$$\sum_{j=1}^n X_{ij} = A_i, \quad i = 1, 2, \dots, m \quad (4)$$

4). Ажратиладиган кредитлар миқдорлари мусбат қийматга эга бўлиши керак

$$X_{ij} \geq 0, \quad i = 1, 2, \dots, m; \quad j = 1, 2, \dots, n \quad (5)$$

Бу ерда,

i — тижорат банки номери;

j — бериладиган кредитлар тури;

C_{ij} — i -нчи тижорат банкнинг j -нчи кредит тури бўйича даромадлилиги (ставкаси);

X_{ij} — i -нчи тижорат банкнинг j -нчи кредит тури бўйича ажратадиган кредит миқдори;

T_j — j -нчи тур маблағига бўлган талаб;

A_{ij} — i -нчи тижорат банкнинг j -нчи кредит тури бўйича ликвидлик коэффициентини;

L_j — j -нчи кредит тури бўйича ўрнатилган ликвидлик нормаси;

A_i — i -нчи тижорат банкнинг активи ҳажми.

Шундай қилиб, тижорат банкларини даромадларини ошириш масаласи (2)-(5) шартларини бажарадиган (1) мақсад функциясини максимумини топадиган чизиқли программалаштириш масаласига келтирилди.

Инвестицияни молциялаштиришда банк кредитларини турли хил соҳалар бўйича зарурий равишда тақсимлашни йўлга қўйиш ва шунинг билан бирга улар бўйича риск ҳавфини камайтириш ва тижорат банкларини даромадлигини ошириш йўллари қидирмоқ зарурдир. Бунда банк кредитлари турларининг минтақалар (вилоятлар) бўйича даромадлиликлари ва рискларини оптималлаштириш масаласи асосий критерияси бўлиб, мақсад функцияси қуйидаги формула билан ҳисобланади

$$C = \sum_{i=1}^m C_i \sum_{j=1}^n X_{ij} - \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n R_{ij} X_{ij} \quad (6)$$

Қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

1. Минтақалар бўйича маблағлар турлари йиғиндисини активлар турларига қўйиладиган шартга мос келиши

$$\sum_{j=1}^n X_{ij} \leq H_i, \quad i = 1, 2, \dots, m; \quad (7)$$

2. Активлар турлари бўйича талаб қилинган ликвидлик нормалари бажарилсин

$$A_i X_{ij} \geq L_j, \quad i = 1, 2, \dots, m; \quad j = 1, 2, \dots, n \quad (8)$$

3. Минтақаларга ажратилган барча турдаги кредитлар йиғиндиси банк активига тенг бўлсин

$$\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n X_{ij} = A \quad (9)$$

4. Ажратиладиган кредитлар миқдорлари мусбат қиймати эга бўлсин

$$X_{ij} \geq 0, \quad i = 1, 2, \dots, m; \quad j = 1, 2, \dots, n \quad (10)$$

Бу ерда,

C — мақсад функцияси;

i — ажратиладиган кредитлар турлари;

j — минтақалар (вилоятлар) номери;

C_i — i -нчи кредит тури бўйича даромадлилик даражаси (фонз ставкаси);

A_i — i -нчи кредит бўйича банкнинг ликвидлик даражаси;

R_{ij} — i -нчи кредит тури бўйича j -нчи минтақада рисклилик даражаси;

X_{ij} — i -нчи кредит тури бўйича j -нчи минтақага ажратиладиган кредит миқдори;

L_j — j -нчи кредит тури бўйича ликвидлик нормаси;

H_j — активлар турига Марказий банк томонидан қўйиладиган шарт;

m — ажратиладиган кредитлар турлари сони;

n — минтақалар сони.

Мақсад функциясидаги биринчи йиғинди банкнинг кредитлашдан оладиган даромадини иккинчи йиғинди эса риск даражасини кўрсатади. Худди шунинг учун ҳам банк оладиган даромадидан унинг риск даражасини айирган миқдор (агар унинг қиймати мусбат бўлса) рисксиз олинадиган даромад деб айтиш мумкин. Мақсад функциясини манфий қиймати кредитлаштириш вариантыни юқори рискли эканлигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган иқтисодий-математик модел банк кредитларини минтақалар (банк филиаллари) бўйича оптимал тақсимлаш имкониятини беради. Конкрет инвестиция лойиҳаларини танлаш учун эса ҳар бир инвестиция объектида келадиган самарадорлик миқдорини баҳолаш зарурдир.

Хулоса ва таклифлар

Диссертация тадқиқоти натижаларидан қўйидаги хулоса ва таклифларга келинди.

1. Ўтган асрнинг охирида ўзгаришга йўл тутиб, иқтисодий таназзулдан чиқаришга йўналтирилган банк тизими Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда Республика банк тизими молия бозорининг энг ривожланган сектори бўлиб, “иқтисодий ислохотларни локомотиви вазифасини бажармоқда”, - деб тўлиқ айтиш мумкин.

2. Банк тизимини ташкил қилишда ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан тўғридан-тўғри нусха кўчириш ҳар доим ҳам яхши натижа беравермайди. Ўзбекистонда банк тизимини ривожлантиришда аҳоли менталитети, анъаналари ва урф-одатларини, иқтисодий ислохотларни босқичларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу жиҳатдан ривожланаётган мамлакатларни тажрибалари биз учун фойдалироқдир.

3. Ўзбекистонда кейинги йилларда капитал қурилишда инвестициянинг сезиларли даражадаги устунлиги шаклланди. Инвестициялар таркибининг мавжуд динамикаси шуни англатадики, инвестициялар умумий ҳажмининг аста-секин ўсиб бориши билан бир вақтда унинг ўсиш суръатларининг пасайиши учун зарур бўлган дастлабки шарт-шароит етилиб бормоқда. Бундан ташқари, аҳоли маблағлари ва банк кредитлари инвестициялар манбалари умумий таркибида энг кам солиштирма улунга эга бўлиб, улар биргалликда қўшилган чоғда ҳам ҳар қандай бошқа маблағлар ҳажмидан камдир.

Аҳоли маблағлари ва банк кредитлари инвестиция манбалари таркибида айрим олинганда ҳозирча давлат бюджети воситалари, корхоналарнинг ўз маблағлари ва чет эл инвестицияларидан камроқ улунга эга бўлиб турибди. Бу аҳоли маблағлари ва банк кредитлари воситасида иқтисодий инвестицияларда маълум резервлар мавжудлигидан далолат беради.

4. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида бозор муносабатлари қарор топиб, мустаҳкамлана боргани сари такрор ишлаб чиқаришни бош бўғинини ривожлантириш муаммоси тобора ўткирлаша борадики, уни жонлантirmай туриб қолган барча ижтимоий — иқтисодий масалаларни ечиш мушкулдир. Фақат ишлаб чиқаришни жонлаштириш орқалигина аҳоли турмуш даражасини, бандлигини ва ижтимоий — иқтисодий характердаги бошқа кўрсаткичларни яхшилаш мумкин. Шунинг учун банклар томонидан инвестициялашнинг устувор йўналиши сифатида ишлаб чиқариш объектлари, реал иқтисодий деб аталувчи соҳа бўлмоғи лозим.

5. Инвестицион фаоллик миллий иқтисодиёт янгиланишининг энг муҳим, асосий таркибii қисмларидан биридир. Инвестицион фаоллик кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ва кўламга фаол таъсир этар экан, у илмii – техник тараққиётнинг жаддалашуви, янги ишлаб чиқариш қувватларининг яратилиши ва аҳолининг катта қисмини бандлик даражасининг оширилишини таъминлайди. Иқтисодиётдаги таркибii силжишлар, республикадаги каби унинг турли минтақаларидаги ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ривожлантириш кўли жиҳатдан инвестицион фаоллик ҳолатига боғлиқ. Шуниси ҳам муҳимки, янги асосий фондларни яратиш ва фойдаланишда бўлганларини кўллаб – қувватлашга йўналтирилган капитал қўйилмаларининг катта қисми айнан инвестицион соҳа орқали ўтади. Шунинг учун ҳам банк кредитларини инвестицияни молиялаштиришга йўналтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

6. Инвестициялаш маибаларини кўпайтиришнинг асосий захираларидан бири аҳолининг вақтинча бўли турган маблағларидир. Мамлакат аҳолисини анчагина қисмининг қамбағаллигига қарамай, аҳолида етарлича катта ҳажмда бўли маблағ мавжуд. Бу маблағларни банк омонатларига келиб тушмаётганлиги сабаблари бўлиб, уларга ҳисоб–китоб, касса хизмати кўрсатишдаги нуқсонлар, банкка нисбатан ишончининг йўқотилганлиги, омонатлар бўйича фоииз ставкаларининг инфляция натижасидаги йўқотишларни қопламайдиган даражада пастлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу камчиликларни бартараф этиш аҳолини бўли маблағларини инвестиция эҳтиёжлари учун сафарбар қилишни яхшилашга имкон беради.

7. Кредит ажратилиши учун таклиф этилаётган инвестиция объектининг молиявий таҳлили инвестиция жараёни барча босқичларининг ажралмас бир қисми бўлиб ҳисобланади. Инвестор молиявий аҳволи номаълум бўлган ҳуқуқii ёки жисмонii шахс билан иш олиб бормаслиги керак.

Инвестиция объектини баҳолашда инвестиция объектининг молиявий аҳволини, молиялаштириш лойиҳаси самарадорлигини, ҳамда хавф – хатар (риск) ва мавҳумлик омилларини ҳам ҳисобга олиши зарур. Диссертацияда юқоридагиларни баҳолашни мажмуий услубii келтирилган. Инвестиция объектини мажмуий баҳолаш нафақат инвестиция самарадорлигини оширади, балки кредитни ўз вақтида қайтишини ҳам таъминлайди.

8. Банклар инвестицион фаолиятда инвесторларга ҳисоб – касса хизмати кўрсатиш, асосий фондларни шакллантириш учун кредитлар бериш, ўз воситалари ҳисобидан инвестициялашда бевосита иштироки орқали қатнашимокда. Маълумотлар таҳлили шунини кўрсатадики, тиждат банклари, асосан, Молия вазирлиги томонидан бюджет

тақчиллигини қоплаш ёки қандайдир ийрик тадбирларни мақсадли молниялаш учун чиқарилаётган Давлат қисқа муддатли облигацияларини (ДҚМО) сотиб олиш орқали ўз маблағларини инвестициялашда қатнашмоқда.

Маълумотлар таҳлили яна шунини ҳам кўрсатадики, ДҚМОнинг даромад келтириши, ўртача олганда, камайиши тенденциясига эга: агар 1996 йилнинг март ойида ДҚМОнинг даромад келтириши оддий фоизлар бўйича 62,48%ни ташкил қилган бўлса, 2002 йилнинг шу ойига келиб ушбу кўрсаткич фақатгина 15,63%ни ташкил этган. Ҳақиқатдан ҳам, давлат бюджети тақчиллиги ва инфляция даражаси пасайиши билан ДҚМОга бўлган талаб ҳам камайди ва реал иқтисодиёт банк капитали учун даромад келтиришининг асосий манбаи бўлиб қолади.

9. Бозор муносабатлари шароитида инвестиция ресурслари манбалари ичунда кредитлар ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида корхона ўз маблағ манбалари чекланганлиги сабабли, улар асосан айланма маблағ сифатида жорий харажатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестицион фаолиятни чегаралаб қўяди.

Давлат бюджетни маблағлари ҳақида шунини таъкидлаш жоизки, унинг асосий қисми ижтимоий - маъмурий фондларни яратишга сарфланади.

Шу боис инвестиция ресурслари бозорида таклифнинг нафақат барқарорлаштириш, балки анча миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини камайтирган ҳолда, тижорат банкларни кредитларини оширишга ҳаракат қилишмоғи керак.

10. Ялпи ички маҳсулотни ўсишида чет эл инвестицияларини ўрни юқори. Чет эл инвестициялари — бу нафақат молжавий ресурс, балки юқори даражадаги ривожланган чет эл технологияларини мамлакатимизга кириб келиши учун гарант ҳамдир. Лекин, «медал» ни иккинчи томони ҳам бор. Чет эл инвестициялари иқтисодиёт учун қанчалик фойдали бўлмасин, ундан олинадиган даромад (фойда) ни маълум қисми чет элга чиқиб кетади. Кредит фонслари, олинган соф фойдани маълум қисми порезидентларни улушидир.

Мазкур соҳада тижорат банкларни аҳолидаги бўли турган чет эл валюта маблағларини иқтисодиётни инвестициялашга йўналтириб, маълум даражада хорижий инвестициялар ўрнини қоплашлари мумкин. Бунинг учун тижорат банкларни валюта омонатлари учун ҳам кредитлари учун ҳам валюта бозоридаги харид қийматига мос келадиган бир хил ставка фонслари ўрнатиллари лозим. Тижорат банкларини хизматларини рағбатлантириш учун эса, Марказий банк ўз навбатида тижорат банкларининг инвестициялашга йўналтирилган хорижий валюталари

миқдорига қараб, мос равишда қайта молиялаш (рефинансирование) ставкаси фойзларини камайтиришлари лозим бўлади.

11. Инвестицияни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш ва прогноз қилиш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ҳолда трендларни саралаш, узоқ муддатли циклар, мавсумий тебранишларни ажратиб олиш, тасодифий компонентларни таҳлил қилиш ва ҳоказоларни ҳисобга олиш зарурдир. Юқоридагиларни ҳисобга олиб прогноз қилиш усулини танлаб олиш прогностика муаммолари ичида энг асосийларидан бири ҳисобланади.

Диссертацияда прогноз қилиш усуллари информацион характеристикаларини таснифлашнинг матрица усули, шунингдек интервал прогноз қилишнинг комплекс статистик усули ишлаб чиқилган.

12. Инвестицияни молиялаштиришда кредитларни турли хил соҳалар (тармоқлар) ва минтақалар бўйича зарурий равишда тақсимлашни йўлга қўйиш, улар бўйича риск хавфини камайтириш йўллари қидирмоқ керак. Тижорат банклари фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар активларини жойлаштиришдаги мавжуд чегаралардан келиб чиқиб, банк кредитларидан иқтисодиётни инвестициялаш самарадолигини ошириш зарурдир.

Диссертацияда тижорат банкларининг ликвидлигини ҳисобга олган ҳолда банкларни умумий даромадини кўпайтиришга йўналтирилган иқтисодий – математик модел ишлаб чиқилган.

13. Тижорат банклари хизматлари орасида даромадлиликни ҳажми бўйича асосий миқдорни банк кредитлари (85% - 99%) ташкил қилади. Лекин шу нарса ҳам аниқки, банкларга юқори даромад келтирувчи операцияларнинг рисклик даражаси ҳам юқоридир. Шу сабабли тижорат банклари максимал фойда олиш мақсадида ўзларининг юқори ликвидлик даражасига эришишлари лозимдир.

Диссертацияда банк кредитларининг даромадлигини оширувчи ва риск хавфини камайтирувчи маблағларни минтақалар (вилоятлар) бўйича тақсимлаш иқтисодий – математик модели таклиф қилинган.

14. Инвестицияни молиялаштириш манбалари орасида мустаҳкам корреляцион ўзаро боғлиқлик мавжуддир. Жуфтлик корреляция коэффицентларини аниқлаш шунинг кўрсатадиги корхоналар маблағлари билан аҳоли маблағлари орасида (0,882), ҳамда банк кредитлари орасида (0,86) юқори жуфтлик корреляция алоқалари мавжуд. Бюджет маблағлари, корхона маблағлари, аҳоли маблағлари, банк кредитлари ва чет эл инвестициялари орасидаги бошқа жуфтлик корреляция алоқалари жуда юқоридир (0,9214 дан 0,9974 гача).

15. Яъни яъки маҳсулот билан инвестицияни молиялаштириш манбалари орасидаги муносабатларни даражали ишлаб чиқариш функцияси билан эконометрик тадқиқи шунинг кўрсатадиги, ЯИМни

ўсишига кўпроқ банк кредитлари таъсир қилар экан (даража кўрсаткичи 0,338). Ундан кейинги ўринларда бюджет маблағлари (0,2992), аҳоли маблағлари (0,2636) ва чет эл инвестициялари (0,2411) таъсир қилади. Корхоналар маблағлари ЯИМга энг кам таъсир этади (даража кўрсаткичи 0,1332). Умуман олганда, инвестициялар ҳажминини ортиши пропорционал равишда ЯИМни ўсишига олиб келмайди, яъни инвестиция манбаларини биринчи 10%га ортишидаги ЯИМни ўсишидан инвестицияни кейинги 10%га ортишдан ҳосил бўладиган ЯИМни ўсиши камроқдир.

ДИССЕРТАЦИЯ МАВЗУСИ БЎЙИЧА АСОСИЙ НАШР ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР

I. Монографиялар, илмий журналлар ва тўпламларда чоғ этилган мақолалар.

1. Германия и европейская интеграция. Ташкент, Берлин, 1993 15 С.
2. Маркетинг информационных систем и услуг. // Ж. "Жизнь и экономика", Ташкент, 1992, №9. С.36-37.
3. Германия банк тизими. // Ж. "Иқтисод ва ҳисобот", Тошкент, 1994, №3. 30-32 Б.
4. Экономический порядок в Германии. // Ж. "Экономика и статистика", Ташкент, 1994, №10-11 С.18-19.
5. Информационное обеспечение экономики — важный вопрос переходного этапа. // В сб. научных трудов ТГЭУ, Ташкент, 1995. С.116-117.
6. Инвестиции в образование — фактор экономического роста. // Ж. "Экономика и статистика", Ташкент, 1998, №1. С.9-10.
7. (В соавторстве Б.А.Исахов, Ж.А.Бишенов, С.А.Жапбаров). Основные требования к технической организации статистической информационной системы. // В сб. "Вопросы моделирования и информатизации экономики". Ташкент, РИСО АН РУз., 2000, вып. 19. С. 29-37.
8. (А.Шермухамедов билан ҳаммуаллифликда). Ахборот тизимлари ва технологиялари. // Тошкент, Шарқ, 2000. (5 — боб), 43-44 Б.
9. (Д.Ғозибеков, Х.Хўжақуловлар билан ҳаммуаллифликда). Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. // Тошкент, Ўқитувчи, 2000, (9 — боб), 184-195 Б.
10. (В соавторстве С.С.Гулямов, Г.А.Хачиев). Экономика Узбекистана и стран СНГ. // Ташкент, Фан, 2001, С.40.

11. (В соавторстве М.Газиева). Развитие приватизационных фондов. // Ж. "Иқтисодий ва таълим", Ташкент, 2001, №3/4, С.102-106.

12. Банковские инвестиции: спрос, видовая структура и источники. // Ж. "Экономический вестник Узбекистана", Ташкент, 2001, №3. С.28-30.

13. Финансовый анализ объекта инвестирования. // Ж. "Экономический вестник Узбекистана", Ташкент, 2001, №4/5. С.49-50.

14. Инвестицион фаоллят ва иқтисодий ўсшши йўлга қўйиш. // Ж. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", Тошкент, 2001, №12. 28-29 Б.

15. (В соавторстве К.Мамажанов, Н.Абдугафарова, Ш.Нарқулов). Давлат бюджетига солиқ тушимини башорат қилиш. // В сб. "Вопросы моделирования и информатизации экономики", Ташкент, 2001, вып. 20, С.45-50.

16. Башорат қилишнинг мажмуали усули. // Ж. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", Тошкент, 2002, №7-8. 60-61 Б.

17. Проблемы привлечения инвестиций в экономику Узбекистана. // Ж. "Актуальные проблемы современной науки", Москва, 2002, №1(4). С.31-32.

18. (В соавторстве М.Мирмаксимова). Выбор методов прогнозирования. // В сб. "Вопросы моделирования и информатизации экономики", Ташкент, РИСО АН РУз., 2002, 21 вып. С.10-14.

19. Состояние инвестиционного климата в Узбекистане. // Ж. "Актуальные проблемы современной науки", Москва, 2002, №4(7). С.64-66.

20. (В соавторстве Х.Амонов). Информационный маркетинг в экономическом развитии региона. // Ж. "Бозор, пул ва кредит", Ташкент, 2002, №9-10, С.65-66.

21. (В соавторстве Х.Амонов). Финансовая отчетность в современных условиях. // Ж. "Экономический вестник Узбекистана", Ташкент, 2002, №10-11, С.33-35.

22. Мажмуали башорат математик қутлмалари ва дисперсияларини баҳолаш. // Ж. "Иқтисодий ва таълим", Тошкент, 2003, №1. 125-128 Б.

II. Илмий – амалий конференциялар тўпламларида чош этилган ишлар

23. Некоторые пути комплексного прогнозирования основных ТЭП организационно-экономических систем. Тез.док. НИИ, Минск, 1989, с.65-66.

24. Об одном подходе использования точечных оценок прогнозируемых показателей, полученных экспертным методом при прогнозировании развития АПК. Тез.док.МНК, Рига, 1989.

25. Новая (неоклассическая) теория экономического роста и его применение к проблематике стабилизации переходной экономики. Материалы МПК "ЎзРда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари", Ташкент, 1995. с.11-12.


26. К проблеме определения достоверности прогнозов (метод генерации). Сб.док.молодых учёных и специалистов "Актуальные вопросы информатики, автоматизации в ВТ", Ташкент, 1989, (в соавторстве Б.Ю.Ходнев). с.87-88.

27. Инвестиционная деятельность РУ. Сб.тез. "Актуальные вопросы современной науки", Москва, МАКС ПРЕСС, 2001. с.43-45.

28. Выбор методов прогнозирования рыночной экономики. Тез.док. РНК "Математическое моделирование и вычислительный эксперимент", Ташкент, 2002, (в соавторстве М.Мирмакситов). с.210-211.

29. Структурные изменения банковских кредитов. Тез.док. "Шестнадцатые международные Плехановские чтения", Москва, 2003, (в соавторстве Ю.Э.Джураев). с.33-35.

30. Банк инвестицияларини самарадорлигини баҳолаш. // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. "Молия", Тошкент, 2003, (Жураев Е.Э. билан ҳаммуаллифликда) 86-87 Б.



**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор
Расулев Дилмурод Мирза-Аҳмедовичнинг
08.00.06 – «Эконометрика ва иқтисодиётда математик усуллар»
иқтисослиги бўйича иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш
босқичида инвестицияни молиялаштиришни эконометрик
моделлаштириш (банклар инвестицияси мисолида) мавзусидаги
диссертациянинг қисқача мазмуни**

Калитли сўзлар: Инвестиция, Банк кредити, Башорат, Ноаниқлик, Талаб, Таклиф.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ва кредитлаш муассасалари.

Ишнинг мақсади: Ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида иқтисодиётни молиялаштиришнинг республикадаги мавжуд манбалари потенциали, хусусан, банк инвестициялари имкониятларини аниқлаш ва эконометрик моделлаштириш асосида миллий иқтисодиётни молиялаштиришнинг устивор йўналишларини прогноз қилишдир.

Тадқиқот методи: Назарий мушоҳада, илмий абстракция, мантиқий ва қиёсий таҳлил, математик ва иқтисодий статистик усуллар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида инвестицияларни молиялаштириш манбалари, айниқса, банк кредитларидан самарали фойдаланиш имкониятлари биринчи марта эконометрик моделлаштириш орқали комплекс тадқиқ қилинди. Қўйилган мақсад доирасида қуйидаги тадқиқот масалалари ечилган: чет эл ва республика банк тизимининг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилиш асосида банк кредитларининг инвестицияни молиялаштиришдаги самарадорлиги асослаб берилган ва унинг истиқболлари прогноз қилинган; инвестициялашда банк кредитлари самарадорлигини ошириш услубиётини ишлаб чиқилган, яъни, талаб ва таклифни аниқлаш, инвестиция объектини танлаш, таваккалчилик ва ноаниқликларни ҳисобга олиш, банк кредитларининг оптимал таркибинини аниқлаш мажмуий услуби яратилган; инвестицияни молиялаштириш истиқболларини прогноз қилиш ва интервалли прогноз қилишнинг комплекс статистик усули ишлаб чиқилган; банк кредитларининг инвестицияни молиялаштиришдаги истиқболлари, кредитлаш таркибинини аниқлашнинг статистик ва оптималлаштириш моделлари яратилган.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларидан миллий иқтисодиётни инвестициялашда банк кредитларидан фойдаланишнинг самарали йўналишларини прогноз қилишда, иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда, инвестициялаш самарадорлигини таъминлашга доир ўқув-услубий қўлланмалар яратилишида фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот натижалари иқтисодиёт вазирлиги қоннидаги самарали иқтисодий сиёсат маркази томонидан инвестиция дастурини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун қабул қилинган.

Қўлланиш соҳаси: Миллий иқтисодиётни инвестициялашда банк кредитларидан фойдаланишнинг самарали йўналишларини прогноз қилишда, иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Резюме

диссертационной работы Расулева Дилмурода Мирза-Ахмедовича
на тему: «Эконометрическое моделирование финансирования
инвестиций при углублении экономических реформ (на примере
банковских инвестиций)»

на соискание учёной степени доктора экономических наук
по специальности 08.00.06 – «Эконометрика и математические методы в
экономике»

Ключевые слова: Инвестиция, Банковский кредит, Прогноз, Неопределённость, Спрос, Предложение.

Объекты исследования: Коммерческие банки Республики Узбекистан.

Цель работы: Целью диссертации является определение потенциала существующих источников финансирования, в частности определения возможностей банковских инвестиций при условии углубления экономических реформ и прогнозирование перспективных направлений национальной экономики на основании эконометрического моделирования.

Метод исследования: Применены ряд научных методов такие как: теоретическое мышление, научная абстракция, логический и теоретический анализ, математические и экономико-статистические методы.

Полученные результаты и их новизна: Впервые проведён комплексный анализ определения потенциала источников финансирования, в частности определения возможностей банковских инвестиций при условии углубления экономических реформ с применением инструментария эконометрического моделирования.

В рамках поставленной цели решены следующие исследовательские задачи: на основании анализа развития тенденций зарубежных и республиканской банковских систем обоснована эффективность банковских кредитов при финансировании инвестиций; разработана методика повышения эффективности банковских кредитов при финансировании инвестиций, т.е. разработан комплексный метод определения оптимальной структуры банковских кредитов, который учитывает риск и неопределённость, выбор объекта инвестирования, определение спроса и предложения; разработан комплексный статистический метод интервального прогнозирования перспектив финансирования инвестиций; разработаны статистические и оптимизационные модели определения структуры кредитования, а также перспектив банковских кредитов при финансировании кредитов.

Практическая значимость: Результаты исследования могут быть

применены при прогнозировании эффективного использования банковских кредитов при финансировании инвестиций национальной экономики, а также при разработке инвестиционных программ социально-экономического развития национальной экономики и при разработке учебно-методических пособий в области обеспечения эффективности инвестиций.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Результаты исследования были приняты для использования при разработке инвестиционных программ Центром эффективной экономической политики при Министерстве Экономики Республики Узбекистан.

Область применения: Результаты исследования могут быть использованы при прогнозировании направлений эффективного использования банковских кредитов финансирования инвестиций в национальную экономику, также при разработке инвестиционных программ социально-экономического развития.

Resume

**Thesis of Rasulev Dilmurod Mirza-Akhmedovich on the academic degree competition of the candidate of Economics science,
08.00.06 – “Econometrics and business statistics modeling methods”
Econometric modeling of investment financing (banking investment as an example) in stage of deepening economic reforms**

Key words: Investment, Bank loan, Forecasting, Uncertainty, Demand, Supply.

Subject of inquiry: Commercial banks of the Republic of Uzbekistan and credit institutions.

Aim of the inquiry: The potential of existing financing sources of economy in particular identifying bank investment opportunity and forecasting of priority directions of national economy financing on base of econometric modeling in the stage of deepening economic reforms in the Republic.

Methods of inquiry: Theoretical discussion, scientific abstraction, logical and comparative analysis, mathematics and business statistics methods.

The results achieved and their novelty: First time by applying econometric modeling the source of investment financing especially the possibility of effective utilization of bank loan in the stage of deepening economic reforms was fully researched. In the framework of assigned objectives following research issues were solved:

By studying tendency of foreign and national banking system development, bank loans effectiveness in investment financing was substantiated and its perspectives was forecasted; the methodology of bank loan effectiveness improvement in investment activity was develop i.e. determining demand and supply, selection of investment object, taking into account risk and uncertainty, integrated method of determining optimal bank loan amount was elaborated; the method of investment financing perspectives forecasting and integrated statistics of interval forecasting was developed; perspectives of bank loans in investment financing, statistics and optimization modeling of determining of loan amount was created.

Practical value: Research results could be used in forecasting of an effective ways of bank loan utilization in investing into national economy, in investment program elaboration for social-economic development of economy, in developing scientific-methodological manual on providing effectiveness of investment.

Degree of embed and economical effectiveness: Results of research was accepted by Effective Economy and Policy Center at Ministry of Economy to use it in developing investment programs.

Sphere of usage: In forecasting of an effective ways of bank loan utilization in investing into national economy, in investment program elaboration for social-economic development of economy, in developing scientific-methodological manual on providing effectiveness of investment.